



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



Қурилиш натижасида
атмосферани ифлослан-
тирганлик учун жавоб-
гарлик тўғрисидаги
Қонун сенаторлар томо-
нидан маъқулланди

Қонун ҳимоясида

ТАБИАТГА

ТИНЧЛИК

КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида “Қурилиш майдонларида чанг ва кум заррачаларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этишга доир мажбурий талаблар белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги Қонун муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда республикаимиз шаҳарларида чанг кўтарилиши ҳолатлари тез-тез учраб (бир йилда ўртача 50–80 кун), атмосфера ва фуқароларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунга эса қурилиш объектлари сони ортиши оқибатида уларнинг майдонларидан чанг ва кум заррачаларининг шамол орқали ҳавога кўтарилиши ҳам сабаб бўлмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, 500 кв.м.лик очиқ қурилиш майдонидан йилига ўртача 50 тонна чанг ва кум ҳавога кўтарилади.

Аслида, қурилиш худудлари, унга кириб-чиқиш йўлларида чанг ва кум заррачаларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этиш бўйича мажбурий талаблар (чангни бостириш учун осма ёмғирлатгич ва сув пуракагичлардан фойдаланиш) шаҳарсозлик қоидаларига киритилган. Бироқ миллий қонунчиликда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талаблари ва шаҳарсозлик қоидалари доирасида айнан қурилишда чангнинг ҳавога кўтарилишига йўл кўйганлик учун аниқ жавобгарлик назарда тутилмаган. Шу сабабли қурилиш майдонларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун қурилиш ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарлик белгилаш, уларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш зарурати юзага келмоқда.

Янги Қонун лойиҳаси Давлат дастурида белгиланган топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида, қурилишда атмосфера ҳавосини ифлосланттирганлик учун жавобгарликни киритиш бўйича экспертлар иштирокида ва етакчи хорижий давлатларнинг халқаро тажрибасини ўрганиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди.

Маълумот учун, Қозоғистонда мазкур ҳуқуқбузарлик учун тадбиркорларга 8 200 долларгача, Беларусда юридик шахсларга 2 440 долларгача жарима белгиланган. Россияда эса 208 долларгача жарима ёки 90 кунгача фаолиятни тўхтатиб қўйиш жазоси назарда тутилган (2007-йилда киритилган ўзгартиришга мувофиқ).

Қонунга кўра, МЖТКга янги 85(1)-модда орқали “Қурилиш майдонларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик” ҳуқуқбузарлиги киритилиб, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдоридан (3,750 млн сўм) жарима белгиланмоқда. Шунингдек, агар ҳуқуқбузарлик жазо қўлланилганидан кейин 1 йил давомида такрор содир этилса, мансабдор шахслар БҲМнинг 50 баравари (18,750 млн сўм) миқдоридан жаримага тортилади.

Ушбу Қонун бинолар, иншоотлар ва уларнинг мажмуаларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мукамал таъмирлаш даврида атмосфера ҳавосини ифлосланганининг олдини олади. Шунингдек, атроф-муҳитнинг экологик мусоффолигини сақлаш, фуқароларнинг ўз ҳаёти ва соғлиғи учун қулай атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳуқуқларини таъминлайди.

Муҳокама якунида Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.



ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ДРАЙВЕРИ

Ҳар биримиз кундалик ҳаётимизда ишлатаётган электрон хизматларга тобора ўрганиб қолаётганимиз, мақсадимизга эришиш учун имкон қадар тез, осон ва қулай бўлган усулларни топишга ва ундан фойдаланишга ҳаракат қилаётганимиз айни ҳақиқат. Бу жараён эрталаб транспортдан фойдаланишдан бошлаб, кечқурун егулик буюртма қилишгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Айниқса энг оддий жараён - коммунал тўловларни тўлаш ёки давлат ташкилоти билан боғлиқ муносабатга киришишда давлат хизматларидан фойдаланиш фуқаролар учун оддий ҳолга айланиб улгурди.

(Давоми 3-саҳифада)

ЕЛКАДАГИ ЮК

Фарзанд тарбияси ҳам тошни болға билан уриб ёришдек машаққатли. Сиз ҳар кун, ҳар соатда, ҳар дақиқада унга тарбия бериш, ибрат бўлиш ҳақида қайғурсангизгина, мақсадингизга эришасиз.

Ёшлар ва уларнинг таълим-тарбиясини яхшилаш бўйича муҳим ислохотлар амалга оширилаётганига қарамай, уларнинг тарбияси бутуннинг энг муҳим масалаларидан бири сифатида долзарблигини бир зум бўлса-да, йўқотмаяпти. Одоб-ахлоқ, таълим-тарбия масалаларига азал-азалдан алоҳида аҳамият бериб келингани, ёшлар сиёсати ҳар бир даврда муҳим бўлганидан далолат беради.

Олимларимиз қадимдан адаб илмини чуқур ўрганиб, уни ривожлантиришга алоҳида вақт ажратипгани, панд-насихат йўналишида кўп жилдли китоблар ёзишгани бежиз бўлмаганини Қуръони карим, ҳадиси шарифда инсон маънавий камолоти, ахлоқи, илмга интилиши бирламчи масала эканлиги, улуғларнинг ҳаёт тарзларида маърифатпарварлиги энг яхши сифатлиги таълимнинг, тарбиянинг жамиятдаги ўрни бекиёслигини кўрсатади.

(Давоми 8-саҳифада)



БИР УМР ЁДИМДА ҚОЛАДИГАН УЧРАШУВ

Келажагимиз бунёдкорлари

давлатимизнинг эътибори

ва ғамхўрлигидан

четда қолмайди

Аҳолисининг қарийб 60 фоизини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этадиган янги Ўзбекистонда кейинги йилларда навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, муносиб таълим олиши, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ёшлар учун кенг имкониятлар яратилмоқда.



Ўтган қисқа муддатда ушбу йўналишда 100 дан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилиниб, улар асосида янги имкониятлар яратилгани, умуман, ёшлар билан ишлашнинг замон талабларига мос янги тизими йўлга қўйилгани фикримизни тасдиқлайди. Ёшлар билан давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари ҳар қачонгидан-да мустаҳкамлангани ҳам алоҳида муҳим жиҳатлардан.

Янги тахрирдаги Конституцияда давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши, уларнинг таълим олиш, соғлигини сақлаш, уй-жойли бўлиш, ишга жойлашиш ва дам олиш ҳуқуқларини таъминлаш учун етарли шароит яратиш зарурлиги белгилаб қўйилди. Бугун бош қонунимизда акс этган нормалар ҳаётга тўлиқ татбиқ этилмоқда. Асосийси, бу имкониятлардан мамлакатимиз ёшларининг барчаси фаол фойдаланаяпти. Ҳозир ҳеч бир ёш давлатимизнинг эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолаётгани йўқ.

Дарҳақиқат, ёшларга таълим олиши, касб-хунар эгаллаши учун кенг йўл очилди, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариши, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун барча зарур шароит яратилди. “Ёшлар дафтари”, “Маҳаллабай” ва “Хонадонбай” ишлаш усуллари жорий этилгани натижасида ёшлар муаммолари жойида ўрганилиб, ўз вақтида ва самарали ҳал этилмоқда.

Йигит-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қонун ижодкорлиги жараёнига кенг жалб қилиш мақсадида 2020 йилда Қонунчилик палатаси ҳузурида Ёшлар парламенти ташкил этилганди. Бугун Ёшлар парламенти ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қонунчилик жараёнига жалб қилишда муҳим платформа вазифасини ўтаяпти. Шу билан бирга, ёшлар билан давлат ўртасида кўприк вазифасини бажариб келмоқда.

Ўтган қисқа муддатда Ёшлар парламенти навқирон авлоднинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини юксалтириш, жамият ҳаётига дахлдорлигини кучайтириш, сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган муҳим институт сифатида шаклланди. Том маънода ўғил-қизларнинг ўз фикрларини баралла айтиши учун юксак минбар бўлди.

Ёшларнинг ҳар томонлама ривожланиши, таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун яратилаётган имкониятлар туфайли ўтган 8 йилда ёш тадбиркорлар сони 3 қара кўпайди. Қисқа муддатда 42 фоиз ёш олий таълимга камраб олинди.

Биргина 2024 йилнинг ўзида “Ёшлар дафтари” орқали 155 минг йигит-қизга 345 миллиард сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилди. Магистратурада таҳсил олаётган талабалар сони 7 баробар ортган бўлса, хотин-қизларнинг контракт тўлови давлат томонидан қоплаб берилаётгани туфайли улар сони 11 баробар кўпайди.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали сўнгги 7 йилда 2300 ёш хорижий давлатларда ўқиш имкониятига эга бўлди. Бу рақам ўтган 25 йилда давлат ҳисобидан юборилган ёшлардан сонидан 3 баробар кўп дегандир. Илмий салоҳиятни ошириш борасида ҳам сезиларли натижаларга эришилди. Илмий даражали ёш олимлар сони 2 баробар ортиб, 4357 нафарга етди.

Ёшларнинг тил ўрганишга қизиқиши ҳам ортиб бормоқда. Буни сўнгги 3 йилда тил ўрганаётганлар сони 2 миллионга етгани, IELTS имтиҳонидан юқори балл олганлар сони эса 5 баробар ошгани мисолида кўриш мумкин.

Эришилган натижалар билан бир қаторда, ёшлар келажагини янада мустаҳкамлашга қаратилган янги ташаббуслар ҳам илгари сурилмоқда. Хусусан, ахборот технологиялари соҳасида ёшларни,

айниқса, қизларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. 2024 йилда 25 минг қизлар ахборот технологиялари бўйича бепул ўқитилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 2 баробар ошириш режалаштирилган.

Иқтидорли, билимга чанқоқ, лекин оғир оилавий шароити туфайли ўқиш имкониятига эга бўлмаган ёшларни хорижда ўқитиш бўйича янги тизим – “Ёрқин келажак” лойиҳаси жорий этилади. Ушбу лойиҳа доирасида ҳар бир маҳалладан ижтимоий ҳимояга муҳтож, билимга чанқоқ ёшлар саралаб олиниб, уларнинг иқтидори аниқланади ва салоҳиятига мос хорижий олийгоҳ танланиб, тайёргарлик курсларида ўқитилади.

Энди парламентдаги ёшларга дахлдор қонун лойиҳалари Ёшлар парламенти аъзолари билан муҳокама қилинади. Ҳатто ялпи мажлисда лойиҳа бўйича ёшлар вакилларининг фикри ҳам эшитилади. Кенгаш сессияларида ёшлар масалалари бўйича масъул органлар раҳбарларининг ахборотини эшитиш тизими йўлга қўйилади. Барча маҳаллий кенгашлар ҳузурида “ёшлар гуруҳи” ташкил этилади.

Президентимизнинг шу йил 14 февраль куни мамлакатимиз ёшлари билан мулоқоти навқирон авлод ҳаётида том маънода янги саҳифа очди. Ёшларнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлади. Давлатимиз раҳбари ёш авлод вакилларини халқимизнинг олтин фонди, деб атади. Ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг таълим олиши, жамиятда ўз ўрнини топиши учун зарур шароитлар яратиш мақсадида бир қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Айниқса, йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, салоҳиятини рўёбга чиқариш соҳасидаги ислохотларда Қонунчилик палатасининг иштирокини янада кенгайтириш мақсадида Ёшлар масалалари бўйича комиссия тузиш ташаббуси эътиборга молик.

Бинобарин, ёшларнинг салоҳи-

ятини рўёбга чиқариш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш, замонавий дунёқараш, билим ҳамда кўникмаларга эга йигит-қизларнинг ҳуқуқий билимини юксалтиришда Ёшлар масалалари бўйича комиссия муҳим аҳамиятга эга. Зеро, у ёшлар масалаларига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда ижро этиш бўйича самарали ва таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқишда муҳим институтдир.

Ушбу янгиликларни эшитиб, ёшларнинг бир вакили, парламентдаги энг ёш депутатлардан бири сифатида жуда хурсанд бўлдим. Президентимиз ташаббуси билан ташкил қилинган Ёшлар парламентида бир неча йиллик фаолиятим давомида англаганим шу бўлдики, ёшларнинг қонун ижодкорлиги жараёнига қизиқиши баланд.

Халқимизнинг ҳаётини яхшилашга қаратилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида ҳам ёшлар вакиллари доим ўз тақлиф ва тавсиялари билан фаол иштирок этиб келмоқда. Бу каби янги ташаббуслар, шубҳасиз, интилувчан, салоҳиятли, ёшлар орасида ўз обрўсига эга Ёшлар парламенти вакиллари учун жуда яхши имконият бўлади.

Яқинда Қонунчилик палатасида фаолиятимни бошлаган бўлсам ҳам ушбу ташаббуснинг амалга ошишида доимий равишда ёрдам беришга, ўсиб келаётган ука-сингилларимга йўл-йўриқ кўрсатишга доимо тайёрман.

Очиғи, жуда кўп дилкаш, самимий суҳбатларнинг гувоҳи бўлганман. Лекин Президентимиз билан мулоқот бир умр ёдимда қолади. Боиси, давлатимиз раҳбарининг ҳар бир гапи ёшларнинг эртанги куни, таълим олиши, касб-хунар эгаллаши ва ҳаётда ўз ўрнини топиб, мурод-мақсадига етишини таъминлашга йўғрилган.

Шаҳноза ЖОЛДАСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАДЛАР

минтақанинг яшил тараққиётига хизмат қилади

Президентимизнинг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони ҳамда бу йилги Давлат дастурида назарда тутилган мақсад ва вазифалар мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни тизимли равишда давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишга қаратилган.

Таъкидлаш жоиз, Фармон ва Давлат дастури лойиҳаси сўнгги йилларда шаклланган анъанадан келиб чиққан ҳолда, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Муҳокама жараёнларида юрдошларимиз ҳамда маҳаллий ва хорижий экспертлар томонидан кўплаб ҳаётий таклиф ва тавсиялар билдирилди. Улар асосида белгиланган мақсад ва вазифалар янада такомиллаштирилди.

2025 йилда аҳолининг саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини шакллантириш ва инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун бир қатор муҳим вазифалар белгиланган. Хусусан, аҳолининг кундалик ҳаётига экологик тамойилларни сингдириш орқали мамлакатимизда “Экофаол фуқаро” ҳаёт тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилган “Бир миллион яшил оила” умуммиллий ҳаракатини йўлга қўйиш,

аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи, хусусан, тиббий маданиятни ошириш, соғлом овқатланиш, кунлик юриш ва югуришни тарғиб қилиш масалалари назарда тутилган.

Шунингдек, “яшил транспортда”, шу жумладан, велосипедда ҳаракатланишни рағбатлантириш, пластик маҳсулотлардан фойдаланишни камайтириш, озик-овқат исрофгарчилигининг олдини олиш, сув, газ ва электр энергияси ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда чиқиндиларни турларига қараб саралашни йўлга қўйиш каби масалалар ўз аксини топган.

Албатта, кундалик турмуш тарзимизда соғлом ҳаракатланиш ва соғлом овқатланиш режимига ўтиш барчамизнинг ўз саломатлигимиз учун жуда муҳим. Аммо бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш ҳамда рағбатлантириб бориш фуқароларимиз саломатлигини асрашда ўз ижобий самарасини беради. Боси, аҳоли саломатлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига тўғридан-тўғри таъсир этувчи асосий омиллардан бири саналади.

Дастурда аҳоли саломатлигини таъминлашдаги яна бир муҳим масала тиббиётнинг бирламчи бўғинини босқичма-босқич трансформация қилишга қаратилган муҳим вазифалар белгиланган.

Унга кўра, оилавий поликлиникалар, оилавий шифокорлик пунктлари ва маҳалла тиббиёт

пунктларида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамни кўрсатишнинг самарали тизimini жорий этиш, кўп тармоқли марказий поликлиникалар фаолиятини марказий шифохоналарнинг маслаҳат диагностика поликлиникаси сифатида йўлга қўйиш назарда тутилган.

Шу билан бирга, марказлашган лабораториялар ташкил этилиб, шифокор қабулига навбат тўлиқ электрон шаклга ўтказилади. Давлат томонидан санитария-гигиена нормаларига риоя этилиши устидан назорат кучайтирилган ҳолда стоматология хизмати аутсорсинг асосида хусусий секторга берилди. Тиббиёт ходимларининг малакаси оширилиб, тиббиёт ходимлари меҳнат самардорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилиб, самардорликка эришган ходимларнинг ойлик маошларига кўшимча устама тўланади.

Бугун кўплаб соҳада бўлгани каби тиббиёт соҳасида ҳам хусусий секторнинг улуши ортиб бормоқда. Шу боис, Дастурда давлат тиббий муассалари иш фаолиятини замонавийлаштириш орқали рақобатдошлигини оширишга қаратилган бундай амалий ҳаракатларнинг жорий этилиши келгусида фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини янада оширади.

Дастурдаги яна бир муҳим ташаббус, инсон салоҳиятини юксалтириш, таълим учун қулай муҳит яратиш ишларини ташкил этиш мақсадида 2025/2026 ўқув йилидан Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш универси-

тетининг экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши каби таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича етакчи олий таълим ташкилоти сифатида белгиланганидир.

Жумладан, ушбу вазифа доирасида Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетига “циркуляр иқтисодиёт” таълим йўналишида кадрлар тайёрлаш амалиёти йўлга қўйилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ушбу университетга бириктирилган “яшил техникумлар” фаолияти йўлга қўйилди.

Олий таълимда грант ўринларини босқичма-босқич ошириш ҳисобига аниқ ва табиий фанлар, муҳандислик-техника, хизматлар, тиббиёт каби соҳаларда давлат буюртмаси 25 мингтага етказилиб, “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши таълим дастурлари асосида таълим олиш учун стипендия танловига 20 тагача квота ажратиб борилади.

Умуман олганда, Давлат дастури ва унда белгиланган устувор вазифалар ижроси нафақат мамлакатимиз тараққиётига, балки минтақанинг яшил иқтисодиёти ривожланишига хизмат қилади. Галдаги вазифамиз барчамиз бир тану, бир жон бўлиб унинг ижросини таъминлашдир. Айниқса, бу жараён биз депутатлардан катта масъулият ва ёндашувни талаб қилади.

Гулнораҳон АБДУВОҲИДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ДРАЙВЕРИ

(Боши 1-саҳифада)

7 февралда бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз “Қайси раҳбар рақамлаштиришни кечиктирса – очиклик сиёсатимизга қарши чиққан бўлади” – деб таъкидлаганлари давлатимизни янги босқичдаги замонавий бошқарув тенденциясига ўтганлигидан далolat беради. Мисол сифатида «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясида ҳам бошқарув жараёнларига илғор технологияларни жорий этиш, ижро интизомини яхшилаш ва фуқароларнинг давлат институтларига ишончини мустаҳкамлаш асосий мақсад сифатида илгари сурилган.

Бу борада Президентимиз раҳбарлигида ўтган йиғилишда ҳудуд ва тармоқларни рақамлаштириш юзасидан топшириқлар берилганлиги, масалан, Туризм қўмитаси туристлар учун меҳмонхона, дам олиш масканларини “брон” қилиш, авиа ва темир йўл, музей, театрға чипта сотиб олиш каби хизматларни масофадан олиш имконини берадиган платформани ишга тушириши, Ташқи ишлар ва Адлия вазирликлари Ўзбекистонга кириш учун электрон визани 3 кунда расмийлаштириш имконини яратиши, Вазирлар Маҳкамасига ҳар бир вазир ва хокимга рақамлаштириш бўйича алоҳида KPI, аниқ вазифа ва муддатларни белгилаб бериш каби топшириқларнинг берилганлиги рақамлаштириш сиёсатининг навбатдаги босқичига чиқаётганлигимиздан далolat беради.

Давлат бошқарувини рақамлаштириш соҳасида катта натижаларга эришган Жанубий Корея, Сингапур, Эстония каби хорижий давлатлар ҳам айнан биз босиб ўтаётган рақамлаштириш сиёсатини олиб бораётганлигини, бунинг учун узоқ муддатли даврни босиб ўтганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Жанубий Кореяда «Gov 3.0» дастури давлат хизматларини шаффоф ва фуқаролар учун мослашувчан қилиб яратилганлиги, бу эса давлат бошқарувидаги самардорликни кескин даражада оширганлигини, Сингапур дунёда давлат хизматларини рақамлаштиришда инновацион ёндашув «Smart Nation» стратегияси доирасида сунъий интеллект, “Blockchain” ва “IoT” технологиялари асосида давлат бошқарувини самарали ташкил этган кам сонли мамлакатлар қаторида туриши, Эстония рақамли давлат бошқарув соҳасида пешқадам бўлиб, давлат хизматларидан онлайн тарзда фойдаланиш мумкин бўлган «Электрон резидентлик» дастурини жорий этганлигини айтишимиз мумкин.

Технологиялар жадал ривожланиб бораётган шароитда рақамли сервисларнинг янада кенгайиши, сунъий интеллект ва “Blockchain” ечимларининг қўлланилиши давлат сектори учун янги имкониятларни очиб, уни аҳоли учун янада қулай ва осон қилади.

Бу борада янги ислохот сифатида айтиш мумкинки, бизда ҳам фуқаролар учун сунъий интеллект технологияси қўлланилган янги хизмат турини Адлия вазир-

лиги тақдим этди. Бу “LEX AI” – сунъий интеллект ёрдамида ҳуқуқий масалаларга жавоб топишга кўмаклашадиган ягона платформа бўлиб, бу хужжатларни ҳуқуқшунос иштирокисиз ҳуқуқий масалаларга жавоб топадиган, берилган у ёки бу ҳуқуқий муаммони ечими юзасидан тегишли амалиётни таҳлил қилиш асосида жавоб берадиган хизмат ҳисобланади.

Рақамлаштириш – бу фақат янги технологияларни жорий этиш эмас, балки давлат бошқаруви тизimini тубдан ўзгартириш жараёнидир. Давлатимизда ушбу жараён катта ислохотлар драйверига айланиб, давлат хизматларининг шаффоф, тезкор ва самарали кўрсатилишида муҳим ўрин тутмоқда. Буни ҳар бир давлат хизматчиси ҳар куни бўлаётган ислохотлардан кўриши ва ўз иш жараёнида қўллаётганлигидан билиши мумкин. Мазкур жараёнда нафақат давлат хизматчиси, балки ҳар бир фуқаро ислохотларга хайрихоҳ бўлган ҳолда, жамоатчилик фаоли сифатида тўғри фойдаланиш орқали иштирок этиши муҳимдир.

Дурбек МАҲКАМОВ,
Тошкент давлат юридик университети
Ташкилий-назорат ва стратегик режалаштириш
бошқармаси бошлиғи

Жорий йилнинг 7 февраль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида бугунги кунда рақамлаштириш барча соҳалар ривожда катта ўрин тутаётгани таъкидланиб, устувор вазифалар белгилаб берилди. Албатта, бу бежиз эмас. Зеро, ҳозирда соҳаларнинг рақамлаштирилиши замон талаби бўлиб, бу борада дунё микёсида кучли ўзгаришлар рўй бермоқда. Мамлакатимизда ҳам ушбу йўналишнинг ривожини бевосита тараққиёт учун хизмат қилади. Буни рақамли иқтисодиёт мисолида ҳам кўриш мумкин.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ — ЖАМИЯТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Таъкидлаш ўринлики, рақамли иқтисодиётнинг юксалиши XXI асрнинг ўзига хос хусусиятларидан бири саналади. Рақамли технологиялар жамият

ва иқтисодиётга кўп жиҳатдан таъсир қилмоқда, кундалик ҳаёtimизда ҳам бунинг амалий жараёнларини деярли ҳар куни кўриб-билиб турибмиз. Ушбу йўналишнинг ривожини янгидан-янги замонавий хизмат турларининг пайдо бўлишига замин яратмоқда. Масалан, кейинги йилларда IT, туризм, лойиҳа, дизайн, инжиниринг каби йўналишлар креатив соҳалар сифатида мутахассислар томонидан баҳоланмоқда.

Рақамли иқтисодиётнинг турли соҳалари мавжуд бўлиб, улар технологиялар ва инновациялар ёрдамида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, ва ижтимоий алоқаларни ривожлантиради. Биз ҳозир мисол келтираётган қуйидаги соҳалар рақамли иқтисодиётнинг асосий қисмларини ташкил этади десак, янглишмаган бўламиз.

1. E-tijorat (онлайн савдо): E-tijorat интернет орқали маҳсулот ёки хизматларни сотиш ва сотиб олишни ўз ичига олади. Бу соҳа ривожланишининг асосий омиллари товарларни онлайн тарзда харид қилишнинг осонлиги, мобил иловалар ва тўлов тизимларининг ривожланишидир. Amazon, Alibaba каби компаниялар бу соҳада етакчилик қилмоқда, мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда бу йўналишдаги платформалар жадал ривожланмоқда.

2. Fintech (молиявий технологиялар): Молиявий хизматлар ва технологияларни бирлаштирган ушбу йўналишда банк хизматлари, рақамли тўловлар, криптовалюталар, кредитлаш, суғурта ва инвестиция платформаларини кўриш мумкин. Fintech инновациялари молия секторидан тезкор ва қулай хизматлар тақдим этади, PayPal, TransferWise (Wise) каби хизматлар бунга мисол бўлади.

3. Сунъий интеллект (AI) ва машинавий ўқиш (ML): Сунъий интеллект ва машинавий ўқиш тизимлари маълумотларни таҳлил қилиш, прогноз қилиш ва қарорлар

қабул қилиш жараёнларини автоматлаштиради. Бу соҳа соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Google, Tesla каби компаниялар бу соҳада йирик лойиҳалар амалга оширган.

4. Ижтимоий тармоқлар ва рақамли маркетинг: Ижтимоий тармоқлар (Facebook, Instagram, Twitter, TikTok ва бошқалар) рақамли иқтисодиётнинг муҳим қисмидир, чунки улар бизнеслар учун реклама ва маркетинг платформалари сифатида ишлайди. Раққа, инфлюенсер маркетинг ва контент яратув-

ниятларини яратади. Бу ўринда Google Cloud, Amazon Web Services (AWS), Microsoft Azure каби хизматларни мисол қилиб келтириш мумкин.

7. Интернет нарсалар (IoT): Интернет нарсалар физика қурилмаларини интернетга улаш орқали уларни автоматик равишда бошқариш имкониятини беради. Бу технология уй жиҳозларидан тортиб, саноат тармоқларигача, автомобилларни бошқариш ва соғлиқни сақлашда кенг қўлланилмоқда. Масалан, ақлли уй тизимлари, соғлиқни сақлаш мониторинги.

телемедицина, онлайн маслаҳатлар, соғлиқни мониторинг қилиш, маълумотлар таҳлили каби хизматларни тақдим этади. Бу соҳа янги даволаш усулларини, тезкор ташхис қўйиш имкониятларини яратади.

Биз ҳозир санаб ўтган соҳалар дунё микёсида рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда ва кундалик ҳаётимизда тобора катта ўрин эгаллаб бормоқда. Рақамли технологиялар орқали одамлар ўртасида алоқа, савдо-сотик, таълим, соғлиқни сақлаш, иш жойлари ва ҳатто ижтимоий ҳаётда ҳам ўзгаришлар юз бермоқда.

Рақамли технологиялар компаниялар учун самарадорликни ошириш, маҳсулот ва хизматларни яхшилаш имкониятларини яратаяпти. Масалан, сунъий интеллект ва автоматизация ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнлари соддалашади ва тезлашади. Онлайн савдо жаҳон бўйлаб катта тезликда ўсиб бормоқда. Одамлар интернет орқали осонлик билан маҳсулотлар сотиб олишади, ва бу нафақат катта компаниялар, балки кичик ва ўрта бизнес учун ҳам янги имкониятлар яратмоқда.

Онлайн таълим платформалари ва масофавий ўқиш орқали кўплаб одамлар янги кўникмаларни ўрганиш, малака ошириш ва ҳатто илмий даражалар олиш имконига ега бўлди. Бу таълимга бўлган еркин киришни таъминлайди.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши, шунингдек, янги муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Масалан, маълумотлар хавфсизлиги, махфийлик, рақамли бўшлиқ ва сунъий интеллектнинг таъсири каби масалалар долзарб бўлиб қолмоқда. Бирок, умумий олганда, рақамли иқтисодиёт жамиятимизни янада модернизация қилиш, инновацияларни ҳаётга татбиқ этиш ва глобал микёсда ўзгаришларни яратиш имкониятларини бериши билан муҳим аҳамиятга эга.

Нозима МИРЗАНОВА,
ТДИУ Рақамли иқтисодиёт
кафедраси катта
ўқитувчиси



чилари орқали янги маҳсулотлар ва хизматлар кенг оммага танитилади.

5. Big Data ва маълумотлар таҳлили: Big Data катта ҳажмдаги маълумотларни тўплаш, сақлаш ва таҳлил қилишни англатади. Бу соҳа бизнесменларга стратегик қарорлар қабул қилишда ёрдам беради. Маълумотларни таҳлил қилиш орқали компаниялар мижозларнинг хоҳиш-иродаларини аниқлаб, ўз маҳсулотларини ва хизматларини шахсийлаштиради.

6. Булутли ҳисоблаш (Cloud Computing): Булутли ҳисоблаш технологиялари маълумотларни ва дастурларни интернет орқали сақлаш ва улардан фойдаланиш имконини беради. Бу технология компанияларга харажатларни камайтириш, ўз ресурсларини оптималлаштириш ва масофавий ишлаш имко-

8. Blockchain ва криптовалюталар: Блокчейн технологияси маълумотларни марказлашмаган тарзда сақлаш ва алмашиш имконини беради. Криптовалюталар (масалан, Bitcoin, Ethereum) эса молия соҳасида марказлашмаган ва рақамли тўловларни амалга ошириш учун ишлатилади.

9. Таълим технологиялари (EdTech): Онлайн таълим ва масофавий ўқиш платформалари (масалан, Coursera, edX, Khan Academy) ўқувчиларга ва талабалар учун билим олишни янада қулай ва еркин қилади. EdTech технологиялари ўқитувчилар ва талабалар ўртасида интерактив ўқув жараёнларини ташкил этади.

10. Соғлиқни сақлаш технологиялари (HealthTech): Соғлиқни сақлашда рақамли технологиялар

Илм йўлидаги қизлар: Учинчи ренессанс бунёдкорлари

Жонажон Ўзбекистоннинг шонли тараққиёти, илм-фан ва таълим соҳасидаги ўзига хос ўзгаришлар, шубҳасиз, юртимиздаги ҳар бир фуқарога, айниқса, хотин-қизларга катта имкониятлар ва янги марраларга йўл кўрсатмоқда. Бугунги кунда Президентимиз ташаббуси билан хотин-қизлар, гендер тенглиги ва оила масалаларига катта аҳамият берилаётгани, соҳадаги ислохотларнинг амалга оширилиши қатор ютуқларга эришишда пойдевор бўлмоқда. Айни шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш керакки, хотин-қизларимиз учун яратилаётган имкон ва имтиёзлар, келгусида уларнинг ҳаёт йўлида зиё бўлиб ёритади.

Давлатимиз раҳбари соҳага доир ҳар бир чиқишларида “битта қизни ўқит-сак, бутун оилани ўқитган бўламиз. Оила билимли, маърифатли бўлса, бутун жамият билимли, маърифатли бўлади”, деган ҳаётий фикрни ҳамшиша илгари сурадилар. Чиндан ҳам илм-фан ва таълим соҳасидаги муваффақиятлар ва кўрсаткичлар ҳар қадамда хотин-қизларимизнинг олий таълим олиши, илмий тадқиқотлар олиб бориши каби пировард мақсадларни қўймоқда. Айниқса, олий таълим муассасаларини тамомлаган ёш қизларимизнинг улуши сезиларли ортди.

Келажак тарбиячилари бўлмиш қизларнинг олий маълумотли бўлиши, касб-хунар эгаллаши оила бахти, фарзандлар камоли, бутун жамият равнақи учун хизмат қилади.

Рақамларга юзланадиган бўлсак, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 1 млн 479 минг 384 нафар талабаларнинг 52,2 фоизини (772 469 нафари) хотин-қизларни ташкил этаётгани, магистратура босқичида таҳсил олаётган 24 минг талабанинг 60 фоизини ёки 17 мингдан зиёдини хотин-қизлар ташкил этгани - ҳар бир оила, ҳар бир ота-она учун улкан натижа бўлиб, келажакда уларнинг қўлга киритаётган ютуқлари мамлакатимизнинг тенглари ичра тенг бўлишига ёрдам беради.

“Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сон Президент Фармони мамлакатимизда хотин-қизларнинг билим олишига бўлган рағбатни, келажакда жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишга бўлган сая-ҳаракатларни кескин кучайтиришга хизмат қилди.

Фармонга биноан, ҳукуватимиз томонидан олий таълимга эришишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, ҳаммага тенг таълим тамойилига амал қилинган ҳолда ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хотин-қизлар учун яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар уларнинг таълимга бўлган қизиқишини янада ошириб, уларга янада куч ва иштиёқ, рағбат бағишламоқда. Хусусан:

Ёлғиз аёллар ва муҳтож оилаларда яшовчи хотин-қизларга қўмаклашиш, уларни олий таълимга жалб қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. 2020-2024 йилларда 8 653 нафар эҳтиёжманд оилалардан бўлган хотин-қизлар олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди.

Бу эса аҳолининг ижтимоий қўмакка муҳтож қатламини ҳам таълим жараёнига қамраб олишга ҳисса қўшади.

Шунингдек, 2022-2024 йилларда жами 1 256 нафар 5 йиллик меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотли бўлмаган хотин-қизлар Оила ва хо-

тин-қизлар кўмитасининг тегишли тавсияномасига кўра олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинди.

2021 йилдан бошлаб муҳтож ёлғиз аёллар ва боқувчисини йўқотган қизларни олий таълимдаги контракт-тўловлари қоплаб берилиши;

2021-2024 йиллар давомида 6 минг нафарга яқин талаба хотин-қизларнинг контракт тўлови маҳаллий бюджет мабғалари ҳисобидан қоплаб берилди.

388 нафар олий ўқув юртида таҳсил олаётган хотин-қизлар ва “Аёллар дафтари”даги хотин-қизларнинг 150 нафар фарзандига контракт тўловининг бир қисми (жами 2,0 млрд сўм) тўлаб берилди.

Давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловлари қоплаб берилиши тизими жорий этилиб, 2022-2024 йилларда 15 мингдан зиёд магистрант қизларнинг контракт тўловлари тўлаб берилди.

Олийгоҳ, техникум ва коллежларда кундузги таълимда ўқиётган хотин-қизлар контрактларини тўлаш учун 7 йилга фоизсиз кредит берилиши жорий этилди.

2022-2024 йилларда 397 000 нафар талаба хотин-қизларга 4 298,4 млрд.сўм миқдорда фоизсиз таълим кредитлари ажратилди.

Магистратура босқичига таълим олаётган 14 744 нафар хотин-қизларнинг 100 млрд.сўмга яқин тўлов-контракт суммаси давлат бюджети мабғалари ҳисобидан тўлиқ қоплаб берилди.

Бу, шубҳасиз, қизларимизнинг ўқишга бўлган иштиёқини янада кучайтиради ва уларга илм олиш, ўрганиш ва ривожланиш учун замин яратади.

Бугун олий таълим муассасаларида талабаларнинг 52,2 фоизини хотин-қизлар ташкил этиб, бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 39 фоиздан 52,2 фоизга кўтарилгани таълим имкониятлари хотин-қизларимиз ҳаётида акс этганлигини кўрсатади.

Шунингдек, бугунги кунда магистратура босқичида таҳсил олаётган 24 минг талабанинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётмоқда. Бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 3,8 баробарга ортгани жуда қувонарли кўрсаткич.

2023 йилдан бошлаб эса, коллеж ва техникумларда қурилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги касб-мутахассисликлар бўйича хотин-қизлар тўлиқ грант асосида қабул қилинадиган бўлди.

Давлатимиз Раҳбари таъкидлаганларидек, “маърифатли жамиятни маърифатли оналарсиз қуриб бўлмайди”, деган ҳақиқатни англаб етишимиз зарур. Ибн Сино, Беруний ва Бухорийлар, Улуғбеғу Навоий ва Бобурлар яралиб, дунё илм-фанида қайта кашфиётлар қилиши қадим Шарқнинг мутафаккир-

лари, алломалари яна дунёга келиши, камол топиши, бу олий мақсадга етишиш учун аввало, қизларимизни, бўлгуси оналарни илмга ошно қилиш билан эришилади.

Шу боис истиқболда ушбу йўналишдаги ишларни янада кучайтириш, қизларимизнинг билимли ва малакали кадрлар сифатида юртимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларда 6 минг 200 нафардан зиёд хотин-қизлар илмий тадқиқот ишлари билан банд экани, илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида бажарилаётган 476 та лойиҳанинг 25 фоизи олима аёлларимиз ҳиссасига тўғри келатгани ҳам эътиборлидир.

Сўнгги етти йилда 5 247 нафар аёлларимиз фан доктори ва ўз соҳалари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олган. Ҳозирги кунда илм-фан соҳасида жами 5 мингга яқин олима аёлларимиз фаолият кўрсатмоқда. Олийгоҳларда эса 14 мингдан зиёд опа-сингилларимиз илмий педогогик фаолиятини олиб бормоқда. Ҳар йили базавий докторантурага қабул қилинадиган қизлар учун қўшимча 300 ўрин ажратилади.

Олиб борилган изчил чора-тадбирлар ўз самарасини кўрсатди: юртимиз олимларининг 48 фоизини аёллар ташкил этмоқда. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, аёл-олимлар улуши Россияда 41 фоиз, Францияда 26 фоиз, Германияда 28 фоиз, Буюк Британияда 38 фоиз, Хитойда 37 фоиз, Жанубий Кореяда эса 18 фоизни ташкил қилади.

Шу ўринда Оила ва хотин-қизлар кўмитаси Инновацион ривожланиш агентлиги билан биргаликда ташкил этилган “Олима аёллар” танлови хусусида тўхталиш лозим. Ушбу танлов қизларимизнинг илм ва инновация йўлидаги фаоллигини янада оширишга, уларни жамиятнинг ҳар бир соҳасида ўзгаришлар қилиши учун рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. 2021 йилда танловга 111 та лойиҳа келиб тушган бўлса, 2024 йилда бу рақам 342 тага етгани, мамлакатимиздаги аёлларимизнинг илм-фан, тадқиқот ва инновация соҳасидаги ривожланишига бўлган интилишларининг нечоғли эканини кўрсатади. Ҳар бир лойиҳа учун 500 миллион сўмдан 1 миллиард сўмгача маблағ ажратилиши, уларнинг гоյялари ва инновацияларини ҳаётга татбиқ этиш учун барча шароитлар яратилганига мисол бўла олади.

Биргина 2025 йил Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун бошланғич босқичларида 77 минг нафарга яқин, ҳудудий саралаш босқичларида 6 минг 600 дан ортиқ 14 ёшдан 30 ёшгача иқтидорли хотин-қизлар иштирок этди.



2000-2024 йилларда 452 нафар хотин-қизлар Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлди.

Фахру ифтихор билан ўн етти нафар мухтарама аёлларимиз Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганини тилга олиш мумкин. Улардан етти нафари олима бўлса, қолганлари элда эъзоз топган мураббий ва санъаткорлардир. Ўзбек халқининг ифтихори бўлган Дилорам Юсупова, Тамара Арипова, Флора Иноятова, Муҳаббат Шарапова, Анора Маҳмудова ва бошқа онахонларнинг миллий таълим тараққиётига қўшган ҳиссаси бекиёсдир. Бу рўйхатнинг аввали, ўйлаймизки, юзлаб илмли, олима аёлларимиз уларнинг қаторидан жой олади. Ўзбек олималарининг кимё, биотехнология, қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги фаол изланишлари, ютуқлари, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий гуманитар соҳалардаги ўрни, уларнинг тинимсиз меҳнатлари самарасидир.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларидаги 50 нафар, хорижий таълим муассасаларида эса 10 нафар хотин-қизлар “Эл-юрт умиди” жамғармаси грантлари ёрдамида таҳсил олмақда. 2024 йилда хорижда бакалаврият, магистратура ва докторантура ўқув дастурлари бўйича бериладиган 500 та степендиядан 148 нафари хотин-қизларга тақдим этилди. Бу танловлар уларнинг нуфузли таълим муассасаларида билимларини ошириб, Ватан тараққиёти учун астойдил ҳисса қўшишлари учун имкон беради.

Юртимиз келажаги, албатта, олима, маърифатли аёллар билан боғлиқ. Улар нафақат оилада, балки жамиятда, давлат ислохотларида ва глобал тараққиётида муҳим рол ўйнайди. Сўзимиз аввалида тилга олинганидек, битта қизни ўқитиш - бутун миллатни тарбиялашга қодир бўлган энг муҳим омил ўлароқ уларнинг билим олиши оила бахти ва жамият равнақи учун тамалтош қабидир. Илмли, тадбирли, оқила аёл эса турмушда рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай муаммони ечиш, оилавий ажримлар, эрта турмуш, эрта туғруқ ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олишда кўринмас куч ва зифасини ўтайди.

Ҳар қадамда, ҳар қарорда илм олиш ва тараққиёт йўлида қурашаётган қизларимизнинг ўрнини мустаҳкамлаш, уларга муносиб шароит ҳозирлаш оқали Ватан равнақи ва миллатимиз келажагига дахлдор авлодни шакллантирмиш.

Саодат БОЙМИРЗАЕВА
Оила ва хотин-қизлар кўмитаси
Ахборот хизмати раҳбари

ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар давлатнинг барча соҳаларини қамраб олиши билан аҳамиятлидир. Маҳаллий ва халқаро даражада эътибор қаратилаётган бу ислохотлар давлат органларининг фаолиятини янада шаффоф ва самарали қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократик принципларга асосланган давлат тизимини шакллантиришга қаратилган.

Ўзбекистоннинг тараккиёт йўлида муҳим қадамлардан бири – янги Конституциянинг қабул қилиниши ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг амалга оширилиши бўлди. Янги Конституция фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгайтириб, давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги, самардорлиги ва ҳисобдорлигини таъминлашга йўналтирилди. Ушбу ўзгаришлар ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан давлатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлашдаги аҳамиятини янада оширди.

Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, адолатни таъминлаш ва уни юзага чиқаришда суд ҳокимияти муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимиз суд тизимини янада тартибга солиш ва уни янада такомиллаштиришни назарда тутди. Жумладан, сўнгги йилларда судларга доир бир қанча қонунлар қабул қилиниб, уларнинг фаолиятини тубдан ислоҳ қилинди. Яқиндагина Юртбошимиз томонидан “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори суд тизимини янада мукамаллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Мазкур қарорда кўзда тутилган ислохотлар ва янги тартиб-таомиллар Ўзбекистон Республикасининг маъмурий судлар фаолиятини такомиллаштириш ва фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, Қарор, биринчи навбатда, маъмурий судларнинг самарали ишлашини таъминлаш, шунингдек, фуқаролар ва тадбиркорлар томонидан давлат органлари билан бўлган муносабатларда пайдо бўлган низоларни адолатли ва тезкор ҳал қилишни мақсад қилади. Бу ислохотлар Ўзбекистонда маъмурий судлар фаолиятига янги назар билан қарашни, шунга мувофиқ, фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш ва суд тизимига бўлган ишончли оширишни кўзда тутди.

2017 йилда маъмурий судлар тизимини ташкил қилиш Ўзбекистон

тарихидаги муҳим воқеа бўлиб, бу фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қилинган қонунга хилоф қарорлар, ҳаракатлар ва ҳаракатсизликлар устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқларини таъминлашда муҳим омил бўлди. Маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилган аризалар ва шикоятлар натижасида 57 фоиз ариза қаноатлантирилиши, яъни фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқлари тикланиши, маъмурий судларнинг самарали ва ишончли ҳимоя механизмларини ўз ичига олганлигига ишора қилади. Бу ҳолат, ўз навбатида, маъмурий судларнинг қонун устуворлигини таъминлаш ва шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда муҳим институт сифатида шаклланишидан далолат беради.

Бундан ташқари, маъмурий судлар фаолиятига илғор хорижий тажриба ва институтларни жорий қилиш орқали фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган механизмларни кенгайтириш эҳтиёжини янада кўриб чиқиш муҳим бўлган қадам ҳисобланади. Хусусан, давлат органи ҳужжатига ишониб фаолият юритган фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқларининг ҳимоясини янада кучайтириш зарурияти пайдо бўлди. Маъмурий судларга киритилаётган янги тартиб-таомиллар, шу жумладан, судга ҳужжатлар тақдим этган давлат органи мансабдор шахсларининг мажбурий иштирокини таъминлаш ва маъмурий иш юритишда ишларнинг тезкор ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлашга қаратилган дастлабки эшитувни жорий этиш, ушбу ўзгаришларнинг ўтган жамият учун қанчалик аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

Тадбирлар, шунингдек, маъмурий судларнинг ролини кўтариш ва уларнинг фаолиятини халқаро стандартлардан келиб чиқиб, янада такомиллаштиришни кўзда тутди. Бунда фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ва самарали ҳимоя қилишнинг устуворлигини таъминлашга, суднинг фаол иштирокини талаб қилиш орқали низоларни ҳал қилиш механизмларини кенгайтиришга эътибор қаратилган. Суд қарорларининг ижросини таъминлаш учун

мансабдор шахсларга жарима қўллаш механизмини жорий қилиш, уларнинг маъмурий судлар фаолиятига таъсирини кучайтиришга қаратилган ўзгаришлардан биридир.

Маъмурий судлар фаолиятига киритилаётган янги механизмлар орқали фуқаролар ва тадбиркорлар учун ҳуқуқий ҳимояни таъминлаш ва уларга ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишда янада кўшимча имкониятлар яратиш мақсад қилинади. Шунга қарамай, айрим вазиятларда давлат органи мансабдор шахсининг суд муҳокамасида иштирок этмаслиги ва ўзига нисбатан суд жаримасининг қўлланилиши ҳам ишларнинг амалга оширилишини тўсиб қўймаслигини таъкидлаш керак. Бу, ўз навбатида, суд тизимига бўлган ишончли оширишга хизмат қилади.

Маъмурий судлар тизимининг келгуси ривожланиши учун муҳим қадамлардан яна бири, маъмурий суд иш юритишда дастлабки эшитув институтини жорий этишдир. Бу институтнинг мақсади аризаларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур ҳужжатлар ва далиллар тақдим этиш, шунингдек, ариза ва жавобгарларнинг позицияларини аниқлаштиришдир. Бу механизм, иш юритувининг тезкорлигига, ариза ва далилларни аниқлаштиришга ёрдам беради ва ишнинг одилона ҳал қилинишига имкон яратади. Дастлабки эшитувнинг натижасига кўра, ариза қайтарилиши ёки иш бўйича суд муҳокамаси тайинланиши мумкин. Бунинг барчаси, маъмурий судларнинг ишончли ва самарали фаолиятини таъминлайди.

Шунингдек, мавжуд тартибларга мувофиқ, давлат органи

ва мансабдор шахсларига нисбатан ўрнатилган ҳуқуқбузарликлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини берилиши мазкур тартиб-таомилларнинг янада самарали амалга оширилишига ёрдам беради. Агар давлат

органи ва мансабдор шахсларининг фаолияти суд томонидан хато ёки қонунга хилоф деб топилса, уларга жавобгарлик юклатиш зарурияти қонун устуворлигини таъминланишини кучайтиришга хизмат қилади.

Маъмурий судлар фаолиятига асосланган ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирлардан яна бири, тадбиркорлар учун солиқ ҳуқуқбузарликларининг тан олинishi орқали солиқ органи томонидан банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиш тартибининг жорий этилишидир. Бу чоралар тадбиркорлар учун молиявий ахборотнинг шаффоф бўлишини ва ўзаро ишончли оширишга хизмат қилади.

Ҳар бир ислохотнинг негизда давлат тизими ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш ва суд ҳокимиятининг аниқ ва шаффоф ишлашини таъминлаш мақсади мурожат. Янги Конституциянинг қабул қилиниши ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг амалга оширилиши бу йўлдаги муҳим қадамлар бўлиб, улар мамлакатдаги ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий муҳитнинг янада ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Суд тизимига ислохотлар киритиш, айниқса, маъмурий судларнинг ташкил этилиши орқали фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва давлат органлари фаолиятига самарали назорат ўрнатиш имконини беради. Бунинг натижасида, фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари бузилганда, судга мурожаат қилиш орқали ўзларини ҳимоя қилиш имконияти мустақкам таъминланади.

Абдулҳаким ЭШМУРАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши курашиш
қўмитаси раиси

ЯРОҚСИЗ

Мажбурий ижро бюроси
Иштихон туман бўлими иш юритувига, Жиноят ишлари бўйича Иштихон туман судининг 18.12.2024 йилдаги судланувчи Б.Ж.нинг жиноят иши бўйича ашёвий далил сифатида кўрсатилган 87 турдаги 5 886 дона алкоғол ҳамда 43 турдаги 2 035 қути тамаки маҳсулотларини тегишли тартибда йўқ қилиш тўғрисидаги ижро ҳужжати келиб тушган ва ижро иши юритиш қўзғатилган.

Мазкур ижро ҳужжатлари бўйича жорий йилнинг 21 февраль кунига тегишли мутахассислар ҳамда ҳолислар иштирокида ижро ҳаракатлари вақти тайинланиб, Ўзбекистон



БИЛИМЛИ ЁШЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА



Президентимизнинг 14 февраль куни ёшлар билан мулоқоти нафақат ўғил-қизларимиз, балки барча юртдошларимиз учун қувонарли бўлди. Чунки видеоселектор шаклида ўтказилган учрашувда ёшлар учун имкониятларни янада кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.



Президентимиз таърифлаганидек, халқимизнинг олтин фонди ҳисобланган ёшлар республика-миз аҳолисининг 60 фоизини ташкил қилади. Меҳнат бозорига ҳар йили 600 мингдан зиёд йигит-қизлар кириб келмоқда. Ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг қизиқишлари ва интилишларига қулай шароит вва имкониятлар яратиш бериш давлатимизнинг устувор сиёсатига айланганлиги, ўтган 8 йил ичида ёш тадбиркорлар сони 3 карра кўпайиб, улар бугунги кунда бизнес вакилларининг салкам 40 фоизини ташкил этаётганлиги таъкидланди.

Илгари олий таълимда, яъни, университетлар ва институтларда ўқиш мақсадида кириш имтиҳонлари топшириш учун битта ўринга камида 10 нафар талабгор ҳужжат топширар эди. Ўзлари орзу қилган олий ўқув юртига киролмаган абитуриентлар армонда қолар эди.

Қисқа даврда олийгоҳлар сони 3 баробар оширилганлиги боис бугунги кунда 42 фоиз ёшлар қамраб олинапти. Хотин-қизларга шартнома тўлови давлат томонидан қоплаб берилаётлиги талаба қизлар учун катта имконият эшикларини очди. Шунинг учун уларнинг сони 11 карра кўпайди.

Бугунги кунда жаҳондаги нуфузли университетларда 1 минг 500 дан ортиқ талабалар тахстл олишяпти. Бу эса ўз соҳаларида муваффақиятга эришаётган ўғил – қизларимиз сафи борган сари кенгаётганлигига яққол далил бўла олади.

1991 йилдан 2016 йилгача, яъни, 25 йил ичида давлат ҳисобидан 800 нафар йигит – қиз хорижга ўқишга кетган бўлса, сўнгги 7 йилда биргина “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали 2 минг 300 нафар юртдошимиз шундай имкониятга эга бўлганлиги Президентимиз томонидан иқтидорли, билимли ёшларни ҳар

жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганлиги натижасидир.

Илмий даражали олимлар сони ҳам 2 карра кўпайиб, 4 минг нафардан ошди. Муталаа маданиятини шакллантириш умуммиллий ҳаракатга айланди.

Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказилаётган “Ёш китобхон” танлови иштирокчилари сони 3 миллионга етди. Айниқса фарзандларимиз орасида чет тилларни ўрганишга қизиқиш кескин ошди. Кейинги 3 йилда тил ўрганаётган ёшлар сони 2 миллионга етган бўлса, “IELTS” имтиҳонидан юқори балл тўплаганлар 5 карра кўпайди.

Бу рақам ва далиллар кишига қувонч бағишлайди. Юртимизда ёшлар учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар, имкониятлар, ўғил-қизларни, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги, ёшларни билимли, тадбиркор, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлишидаги интилишларига давлатимиз томонидан эътибор кучайтирилаётганлиги бугунимиз кечагидан, эртამиз эса бугунгидан-да фаровон, бахт-саодатга тўла бўлишига яна бир бор ишонч уйғотади.

Абдуҳаким МАМАНАЗАРОВ,
М.В. Ломоносов
номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали раҳбарининг ўринбосари

Муассис:

Ўзбекистон Республикаси
Экология,
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Таҳрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолитдин ИШАНХОДЖАЕВ
Даврон ВАҲОБОВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.

Буюртма рақами Г-210

Адади: 1600

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3,

ҳажми 2 босма табок.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон

матбуот ва ахборот

агентлигида

2006 йил 0010-рақам билан

рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик

жиҳатдан сифатли

чоп этилишига

“Шарқ” нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси

масъул.

Маълумот учун

телефонлар:

99-994-70-52

98-111-48-29

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:

jamiyat@umail.uz

Газета индекси – 131

“ЖАМИЯТ” дан олинган

маълумотларда манба

сифатида газета номи

кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти:

20:00

1 2 3 4 5 6

МАҲСУЛОТЛАР ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Иштихон тумани Бўстон МФЙ ҳудудидаги маҳсус чиқинди ташлаш жойида 43 турдаги 2 035 кути тамаки маҳсулотлари ёқиш йўли билан, 87 турдаги 5 886 дона алкоголь маҳсулотлари маҳсус техника (фронтал юклагич) ёрдамида майдаланиб, йўқ қилиниши таъминланди.

Фазлиддин ТЕМИРОВ,
Мажбурий ижро бюроси Самарқанд вилоят бошқармаси Шахсий хавсизлик шўъбаси катта инспектори.

Мажбурий ижро бюроси Нарпай туман бўлимининг иш юритувига Жиноят ишлари бўйича Нарпай туман судининг 07.01.2025 йилдаги ижро варақасига асосан жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган, департаментнинг Нарпай туман бўлимида сақланаётган 3 018 (уч минг ўн саккиз) дона жами 22 турдаги истеъмолга яроқсиз алкоголь маҳсулотлари тегишли тартибда йўқ қилиш тўғрисида ижро ҳужжати келиб тушган ва ижро иши қўзғатилган.

Мазкур ижро ҳужжатлари бўйича 19.02.2025 йилда ижро тайинланиб, Нарпай тумани ҳудудида жойлашган марказий чиқиндихонаси ҳудудида, Бюронинг Самарқанд вилоят бошқармаси ходимлари, туман ИЖКҚД ходими, СЭО ва ЖС ходими, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бўлими ҳамда холислар иштирокида, ижро ҳужжатида кўрсатилган далилий ашё сифатида олинган мол-мулклар синдириш ва қўмиб ташлаш йўли билан йўқ қилинди. Бу каби тадбирлар давом этмоқда.

Азамат МИРШАЕВ,
Мажбурий ижро бюроси Самарқанд вилоят бошқармаси Шахсий хавсизлик шўъбаси инспектори.

ЕЛКАДАГИ ЮК



Ёшлар — келажак вориси.

Уларнинг нафақат интеллектуал салоҳияти, касб-хунарига садоқати, меҳнатсеварлиги, гўзал ҳулқ соҳиби бўлиши ҳам аждодларга муносибликни, ворисийликни талаб қилади.

Президентимизнинг: “Биз Янги Ўзбекистонни бунёд этишда соғлом ва баркамол ёшларимизни ҳал қилувчи куч, деб биламиз. Шу мақсадда уларнинг билим, маданият, санъат ва спорт бўйича салоҳиятини рўёбга чиқариш, тadbиркорлик фаолиятини рағбатлантириш борасида ҳам янги тизим яратамиз. Такрор ва такрор айтаман: Янги Ўзбекистоннинг асосий устунни — билим, таълим ва тарбия бўлади!” деган гаплари шу нуқтаи назардан чуқур маз-

мун-моҳиятни англатади.

Бугун, ёшларимизнинг турли ғайриинсоний ва ғайриқонуний иллатлар тузоғига тушиш хавфи кучайди. Виртуал ҳаётга берилиш ёшларни реал ҳаётдан узилиб қолишга, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат каби шарқона фазилатлардан узоклашиб кетишига, миллий урф-одатлар ва анъаналаримизга учинчи тараф каби нейтрал ёндошишига сабаб бўлмоқда.

Жамиятдаги моддият ортидан қувиш, но-соғлом истеъмолчилик оқибатида исрофгарчиликка йўл қўйиш, фарзанд тарбияси кам вақт ажратиш, назоратни сусайтириш, айниқса, номофобия (телефон касаллиги) боис, оила даврасида самимий суҳбатларнинг, ўзаро мулоқотларнинг йўқолиб бораётганлиги, медиа оламидаги “машхур”ларнинг ҳаёт тарзига кўр-кўрона таклид қилаётган ёшларимизнинг маънавий-ахлоқи ўз чегарасидан чиқишига шарт-шароит яратмоқда.

Ёшлар муаммоларини таҳлилий ўрганиб, уларга ечим топишни кундалик тарзимизга айлантормас эканмиз, кўз очиб-юмгунча бўйи бўйимизга етиб қолган фарзандларимизни елкамизга елка тутишларидан умидвор бўлишга ҳаққимиз борми?

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек: “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалоқат, ё саодат — ё фалокат масаласи”. Ҳар бир жамиятнинг жон томири, олий қадрияти фарзанд ҳисобланади. Келажак авлоднинг биз орзу қилгандек билимли, хунарли, эл-юртга фойдаси тегадиган, оқил инсонлар бўлиб етишиши тарбияга боғлиқлигини бугун энг аввало ота-она, ўқитувчи ва мураббийлар, қолаверса, юрт зиёлилари чуқур ҳис этишлари лозим.

Бахтиёр болалик унутилмас олтин давр бўлиши билан бирга келажакка қўйилган мустақкам пойдевордир. Болалик эса тўла-тўқис тарбия ўчоғида тобланадиган пўлат кабидир. Ёшлар ҳақида гап кетганда Тоғай Муроднинг “Отандан қолган далалар” асари воқеалари кўз олдимдан ўтади: “...ўз ерида куну тун кулдек меҳнат қилаётган, лекин фарзанди хурмо ва помидорнинг фарқига бормаган”... Асар ҳақида ёзилмишларда бу асарнинг ясалмагани, бу асар яратилгани қайд этилади. Дарҳақиқат, ушбу воқеалар содир бўлганига ҳали кўп бўлмади. Наридан борса бир, бир ярим аср... Лекин эл дарди фарзандларини шоиру ёзувчи, жадид қилди. Маърифатдан холи даврнинг кечмиши не-не маърифатпарварларни қурбон қилди.

Биз мустақиллик фарзандларимиз. Бугун ўзимиз ҳам фарзанд тарбиялаяпмиз. Ўткан кунлардан тўғри хулоса чиқаришни ўрганишимиз керак. Ўз номимизни тарихда қолдириш учун қиладиган эзгу амалларимиздан энг улуғи ўғил-қизларимизга тўғри тарбия беришдир.

Бугун елкангизга кўтариб, ширин сўз билан тарбия бераётган фарзандингиз эртага Юртни бошида кўтаради, унинг елкасига қор туширмайди, Ўзбекистон номини шарафлайдиган янги кучга айланади.

Адҳам ҲАСАНОВ,
Республика Маънавият ва маърифат
маркази масъул ходими



Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг “Ёшларнинг муаммоларини ҳал қилишга, ташаббуслари ва замонавий ғояларини илгари суришга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш” гранти асосида тайёрланди.

Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорлар 2,1 млн гектарга етказилади

Давлат дастури мамлакатимиз барқарорлиги, аҳоли фаровонлигини кафолатлашга хизмат қиладиган муҳим стратегик ҳужжат ҳисобланади. Зеро, у кенг жамоатчилик муҳокамаси асосида халқимиз таклифлари билан қабул қилинган.

2025 йилни юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили деб эълон қилиши замирида ҳам Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйиш йўлида бошлаган ишларни янги босқичга кўтаришдек эзгу мақсад мужассам.

Президентимиз фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастурида барча соҳалар қатори экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласига алоҳида урғу берилгани қувонарли.

Биобарин, бугунги кунда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш энг долзарб, ҳаммани тўлқинлантираётган муаммолардан бири саналади. Чунки кейинги пайтда иқлим ўзгари-

шлари асосий глобал таҳдидга айланиб, геосиёсий кескинликнинг кучайишига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Ушбу дастурий ҳужжатда маҳалларнинг экологик қиёфасини яхшилаш, кўчаларда яшиллик даражасини ошириш, экологик жиҳатдан қулай ва фаровон яшаш муҳитини шакллантириш, табиий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланишга алоҳида берилгани муҳим аҳамиятга эга.

Хусусан, республика энергобалансида қайта тикланувчи энергия улушини ошириш, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида йирик “яшил энергия” станцияларини барпо этиш, ҳудудларда кичик ва микро гидроэлектр станциялари тармоғини кенгайтириш масаласига кенг урғу берилганини қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳужжатда “яшил иқтисодиёт” та-

мойили асосида ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишни кўзда тутувчи иқтисодий ривожланиш моделига ўтиш орқали 2030 йилгача ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсишини камида 6 фоиз ва унинг ҳажмини 200 миллиард АҚШ долларига етказиш ҳам мақсад қилинган.

“Яшил иқтисодиёт” ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини кескин оширишга доир мақсаддан келиб чиқиб жорий йилда бир қатор вазифалар амалга оширилиши белгиланган. Ҳужжатда иссиқлик станцияларидаги эски ва энергия самарадорлиги паст қурилмаларни босқичма-босқич фойдаланишдан чиқариш (консервация қилиш), давлат ижтимоий соҳа объектларида “яшил энергия” манбаларидан кенгайтириш ҳам кўзда тутилгани эътиборга молик.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида республика ҳудудидаги 450 минг туп дарактларни рақамлаштириш орқали уларнинг паспортини яратиш, Оролбўйи мин-

тақасидаги ўрмонзорларни 2,1 млн гектарга етказиш, барча шахарларни тўлиқ “яшил белбоғ”лар билан қамраб олиш каби вазифалар акс этгани мамлакатни яшиллаштиришда муҳим қадам бўлади. Ўз навбатида, бу фуқароларимизга янги таҳрирдаги Конституцияда белгиланган экологик қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқларини таъминлашга имкон яратади.

Аҳоли масканларида экологик муҳитни яхшилаш ЎзЛиДеП сайловолди дастурида устувор вазифа этиб белгиланган. Бундан кўринадики, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури партияимиз фаолиятида ҳам муҳим дастуриламал бўлади.

Умуман олганда, Дастурда кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этилиши аҳоли фаровонлигини ошириш, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, инсон манфаатлари, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек эзгу ҳаракатларни янада жадаллаштиришга хизмат қилади.

Гулдана АВЕЗДУРДИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты